

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2024 йил май ойининг 30 куни, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида ўтказилган очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси И.Абраев, ҳайъат судьялари Ж.Худойбердиев ва Т.Абдираимовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] 3 [REDACTED] унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] ва унинг вакили адвокат [REDACTED], судланувчи 3 [REDACTED] ҳимоячиси адвокат [REDACTED] суд ҳукмига нисбатан апелляция тартибида берган шикоятни ҳамда прокурор томонидан келтирилган апелляция протестини жиноят иши материаллари асосида текшириб чиқиб, куйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг 2024 йил 6 май кундаги ҳукмига кўра,

[REDACTED] 1988 йил 17 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Тожикистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, ЯТТ билан шуғулланади, Термиз шаҳар “Фарҳод” МФЙ Суғдиёнова кўчаси 1А-уйда яшайди, унга нисбатан «гаров» эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини қонуний муддатда олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб 4 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

[REDACTED] йил 22 июль куни Шеробод туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта-махсус, “Термиз тезкор қурилиш” МЧЖ ишчиси, Термиз шаҳар “Гулистон” маҳалласи, “Боғишамол” кўчаси, 34-уй, 19-хонадонда яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш” ҳақидаги эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини қонуний муддатда олганга нисбатан.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига етказилган 183.117.952 (бир юз саксон уч миллион бир юз ўн етти минг тўққиз юз эллик икки) сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Судланувчи [REDACTED] солидар тартибда жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 13.417.994 (ўн уч миллион тўрт юз ўн етти минг тўққиз юз тўқсон тўрт) сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи [REDACTED], алдов йўли билан даромад топиш мақсадида, 2023 йил март ойларида [REDACTED] ишончига кириб, ундан тўйга тақиб юриш учун 50 грамм, сотиб пулини бериш учун 62.86 грамм ва бошқа турли баҳоналар орқали алдов йўли билан [REDACTED] ҳар бир граммини 600 минг сўмдан жами 297,37 грамм миқдордаги тилло-тақинчоқларни 178 млн 422 минг сўмга ҳисоблаб олиб, турли хил баҳоналар билан қўшимча равишда 21 млн 500 минг сўм ва 1 минг 600 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 31.08.2023 йилдаги сўмга нисбатан валюта курсининг қиймати 1 АҚШ доллари учун 12.089,97 “ўн икки минг саксон тўққиз сўм тўқсон етти тийн”ни жами 19 млн 343 минг 952 сўмни ташкил этган) миқдордаги пулларни жами бўлиб 219.265.952 сўмлик мулкларини олиб, ушбу тилло тақинчоқларни ўзига нотаниш шахсларга арзон нархларда сотиб юбориб, пулларни қайтариб бермасдан [REDACTED] жуда кўп миқдорда моддий зарар етказган.

Шунингдек, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини қасддан давом эттириб, таниши [REDACTED] билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, 2023 йил август ойида [REDACTED] жиноий шериги [REDACTED] гап ўргатиб туриши билан ўзини [REDACTED] прокуратурада ишловчи [REDACTED] деб таништириб, уни алдаб, [REDACTED] исмли фуқаронинг унга қарзи эвазига берган 11 млн сўм ва 200 АҚШ доллари миқдоридagi пуллари ўғрилиқ натижасида топилган пул эканлигини, уни зудлик билан музлатиб қўйиб, кейинчалик жиноят иши тамомлангач қайтариб бериш кераклигини айтишиб, [REDACTED] 11 млн сўм ва 200 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 31.08.2023 йилдаги сўмга нисбатан валюта курсининг қиймати 1 АҚШ доллари учун 12.089,97 (ўн икки минг саксон тўққиз сўм тўқсон етти тийинни жами 2 млн 417 минг 994 сўмни ташкил этган) миқдордаги пуллар жами бўлиб 13.417.994 сўм маблағларини қўлга киритиб, ўзларининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган.

Адвокат [REDACTED] шикоятда, биринчи босқич суди томонидан судланувчи 3 [REDACTED] уч нафар фарзандлари борлигини, икки нафар фарзандлари 3 ёшга тўлмаганлигини инобатга олинмасдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги, [REDACTED] шахсини инобатга олиб ҳукм ижросини ЖПКнинг 533-моддасини қўллаб кечиктиришни сўраган.

Прокурор протестида, ҳозирги кунда судланувчи [REDACTED] томонидан жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий зарар “Ипотека-банк” АТИБ



нинг ҳисоб рақамига тўлиқ тўланганлиги сабабли ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмига асосан [REDACTED] нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанция судида судланувчи [REDACTED], айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, биринчи босқич судидаги кўрсатувларини тасдиқлаб, у 2017 йилдан буён Термиз шаҳрида яшовчи [REDACTED] танишлигини, дастлаб 2023 йил март ойида ўзини таъқиб юриши учун ЦУМдаги заргарлик дўконида [REDACTED] билан учрашиб ундан 1 комплект сирға-узук ва 1 дона тилло занжирни жами 16 млн 500 минг сўмга ҳисоблаб олиб, 2 ой давомида бўлиб-бўлиб пулларини тўлиқ қайтариб берганлиги, 2023 йил июнь ойида ўғли бетоб бўлиб қолганлиги сабабли [REDACTED] олдига қарз сўраб борганида, шунда у 37 грамм тилло-тақинчоқни ломбардга гаров сифатида қўйиб ўрнига пул олиши учун берганлиги, шунингдек 2023 йил 4 сентябрь куни таниши [REDACTED] уйига бориб тўйга тақиб юриш учун 50 граммлик тилло тақинчоқларини олганлигини, ушбу 48 граммлик тилло тақинчоқни [REDACTED] гаровга қўйиб 10 млн сўм пул олганлиги, шунингдек [REDACTED] юқоридаги тўйга тақиб юраман деб олган 50 граммлик тилло тақинчоқларини ёзда қайтариб беришини сўрагани сабабли ушбу 50 граммлик тилло-тақинчоқларни [REDACTED] бозорига олиб бориб [REDACTED] смли шахсга ҳар бир граммини 400 минг сўмдан жами 20 млн сўмга сотиб юборганлиги, пулларни олиб 3 кундан кейин ўғли [REDACTED] шаҳрига даволаниш учун борганлиги, [REDACTED] олган пулларни эса бошқа қарздорларига бериб, 36 млн сўмлик болалар кийим-кечаги олиб келиб ўзининг савдо ишларини юритиш учун сарфлаганлиги, 2023 йил 13 июль [REDACTED] невараси [REDACTED] г тўйига совға қилиш учун тилло-тақинчоқ кераклигини айтганлиги, сўнг [REDACTED] уйига бориб ҳоласига тилло тақинчоқ кераклигини, пулини бўлиб-бўлиб тўлашини айтгани, у ҳам рози бўлиб 26 граммлик тилло тақинчоқларни ҳар бир граммини 600 минг сўмдан жами 15 млн 600 минг сўмдан ҳисоблаб берганлиги, бу ҳақда ўзининг дафтарига ёзиб қўйганини, 2023 йил июль-август ойида ўзининг қарзларини ёпиш учун [REDACTED] 13 млн сўм қарз олиб шундан 4 млн сўмини қайтариб берганлиги, 2023 йил сентябрь ойида болалар ийим-кечакларини олиб келиши учун пул зарур бўлганлиги сабабли М.Химматовадан 3 млн 500 минг сўм қарз олганлиги, ўша пулларнинг 875.000 сўмини унинг пластик картасига ўтказиб берганлиги, 2023 йил март ойида опаси [REDACTED] ўғлини уйлантиргани ва қизини турмушга берганлиги учун тилло тақинчоқ олиб беришини сўраганлиги сабабли [REDACTED] вазиятни тушунтириб жами 63 граммлик тилло тақинчоқларни ҳар бир граммини 600 минг сўмдан жами 37.800.000 сўмга ҳисоблаб олгани, ушбу тилло тақинчоқларни опаси [REDACTED] ерганлиги, опаси унинг пулларини 3 га бўлиб тўлиқ қайтариб бергани, бироқ ушбу пулларни ўзининг бошқа қарзларига бериб юборганлиги, шу сабабли [REDACTED] опага пулларни қайтариб бера олмаганлиги, шундан сўнг 2023 йил июнь-июль ойида [REDACTED] ўзининг бошқа қарзларини ёпиш учун 1.000 АҚШ доллари қарз олиб, шундан 200 АҚШ долларини қайтариб берганлиги, [REDACTED] 224 граммлик тилло тақинчоқларни берганлиги, уларни баъзиларини сотиб, баъзисини Диля опага



гаровга қўйиб пул олгани, олган пулларини ўзининг бошқа қарзларини ёпиш, товар олиб келиш ва даволанишига сарфлаб юборганлиги, бироқ [REDACTED] алдаш учун [REDACTED] деб ўзини таништирган аслида [REDACTED] телефонда гаплашиб унга ёрдам берганлиги, [REDACTED] билан телефон орқали гаплашган вақтда унга гап ўргатиб турганлиги, у айтган гапларини [REDACTED] айтиб бериб тургани, [REDACTED] қарзини олиб бериш учун бир киши Восит исмли шахсни телефон рақамини берганлиги, [REDACTED] улардан қарзларини ундириб беришини айтганлиги, ўртага кирган одамга Мавлуда опанинг телефон рақамини берганлиги, кейин [REDACTED] да опа 11 млн 292 минг сўм пулларни бергани, ушбу пулларни [REDACTED] олиб бориб бераман деб ўзи олиб кетганлиги, [REDACTED] олган 297,37 граммлик тилло тақинчоқларидан 48,58 грамми қайтариб берганлиги, оилавий шароитини, аёллигини, уч ойлик вояга етмаган фарзанди борлигини ва қариндошлари томонидан жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли, суддан ўзига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Апелляция инстанция судида судланувчи [REDACTED], айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, биринчи босқич судидаги кўрсатувларини тасдиқлаб, у 2020 йилдан буён Термиз шаҳридаги “Тезкор қурилиш монтаж” МЧЖда ишлаб келишлиги, 2023 йил 02 июнь кунидан буён [REDACTED] сўраб, ўзаро гаплашиб севишиб юрганини, орадан маълум вақт ўтиб [REDACTED] а ишхонасига келиб, ишхонанинг олдида қўйилган брусчаткаларни кўриб ушбу брусчаткадан 150 метр квадрат беришини, Зебо исмли дугонасига беришини, 15 кун ичида қайтариб беришини айтгани, унга ишониб ишхонадаги бошлиғи [REDACTED] сўраб Зарина айтган брусчаткаларни бериб юборгани, шу билан [REDACTED] уларни олиб кетиб 4.000.000 сўм пулларни қайтариб бермаганлиги, 3 [REDACTED] дан брусчаткани пулини беришини сўраганида у дугонаси [REDACTED] пулни қайтариб берганлигини, бироқ ўзи пулни бошқа жойга ишлатиб юборганлигини айтгани, шундан сўнг 2023 йил август ойида симкарта берганидан кейин орадан 3 кун ўтиб Зарина кўнғироқ қилиб Юбилейнийга боришини сўраганлиги, орадан 30 дақиқа ўтиб у айтган жойга борганлиги, шунда [REDACTED] бир номерга кўнғироқ қилиб “делоларингизни мен кўряпман” деб айтасиз деганлиги, унга айтолмаслигини, бундай ёлғон иш қила олмаслигини айтганида, Зарина ўзи ўргатиб туришини, [REDACTED] акани илтимоси билан қилаётганини, 15 млн сўмга яқин пулларни пакетлаб музлатиб қўйганлигини айтишини, ўзини [REDACTED] деб таништиришини сўрагани, шунда рози бўлиб, ўзига нотаниш бўлган [REDACTED] да исмли аёлнинг қўл телефонида кўнғироқ қилиб, гаплашаётган телефони [REDACTED] нг қўлида тургани, [REDACTED] телефоннинг микрофонини ўчириб ёқиб гап ўргатиб тургани, ўзи эса гўёки [REDACTED] нинг 15 млн сўмга яқин пулини пакетга цейфга солиб музлатиб қўйганлигини, [REDACTED] исмли аёл унга пулларни ўғрилиқ йўли билан топиб келганлигини айтгани, [REDACTED] қаерда ишлашини сўраганида унга прокуратурада ишлашини, исми [REDACTED] канлигини айтгани, шунда у ишониб

Ҳужжат имзолаган: Абдираимов Тулкин Мамараимович, 03.06.2024



пулни қачон қилиб берасиз деб сўраганида, [REDACTED] а 15 кунда ишини ҳал қилиб беришини айтишни сўрагани учун [REDACTED] йтган гапларни такрорлаб 15 кун ичида пулни қайтариб беришини айтганлиги, М [REDACTED] а эса ишонганлигини ва яна 15 кун кутишини маълум қилгани, шу билан телефонни ўчиргани, шу тариқа [REDACTED] риосиё туманига кетишини, у ерда пулларини йиғиб олиб келишини айтиб кетганлиги, шу билан бошқа [REDACTED] и кўрмаганлиги, охирги маротаба телеграмдан Заринага брусчаткани пулини ҳал қилиб беришини сўраганида у ҳал қилиб бераман деб алдаб юрганлиги, шундан сўнг унинг талоғини бериб юборгани, ҳозир судланувчи [REDACTED] уни ўзини ҳам алдаб кетганлиги, ҳозирги кунда қариндошлари томонидан жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли, суддан ўзига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Апелляция инстанция судида жабрланувчи [REDACTED], биринчи босқич судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, Шерматова Заринани 6 йилдан буён танишлиги, уни “Карпов” бозорида савдо қилишини билишлиги, сўнг 2023 йил март ойида [REDACTED] “Фанон” заргарлик дўконига келиб, 20 миллион 154 минг сўмлик тилло занжир ва браслет олиб, қариндош-уруғларига, таниш билишларига сотиб беришини, пулини тез-тез бўлиб беришини, шундан ўзига ҳам грамидан 5-10 минг сўмдан фойда қилиб олишини айтиб олдиндан 3 миллион сўм пулни бошланғич тўлов сифатида бериб кетганлиги, бироқ унга ишониб бу ҳақда ундан тилхат ёздириб олмаганлиги, шундан сўнг олган тилло-тақинчоқларнинг пулини бўлиб-бўлиб бергани, 2023 йил 15 март куни [REDACTED] яна дўконига келиб, тилло тақинчоқларни қарзга беришини сўраганида, унга бера олмаслигини, бир қизни қарзи борлигини халигача бермаётганлигини айтгани, шунда [REDACTED] иккинчи хотини бўлишини, эри [REDACTED] ички ишларда ишлашини, агарда муаммоли ишлари бўлса ёрдам беришини айтгани, шунда уни эрини бор йўқлигига ва уни кимлигига аниқлик киритмагани, олдин ҳам тилло олиб пулини қисқа фурсатда қайтариб бергани учун уни гапларига ишониб, жами 62.86 грамм тилло тақинчоқларни унга бериб юборгани, у “ушбу тиллоларни сотиб бўлиб, пулини олиб келиб бераман” деб олиб кетгани, бу ҳақида ўз дафтарига қайд этиб боргани, ундан тилхат олмагани, шунда унга олган тиллоларнинг пулини қайтариб беришини сўрайверганидан кейин Зарина тиллоларни сотиб ундан қолган пулларни қарзларига тўлаганлигини, ҳозирда пули йўқлигини лекин тез орада қайтариб беришини, агарда бошқа қарздорларидан пулларини ололмаётган бўлса турмуш ўртоғи [REDACTED] орқали ҳал қилиб беришини айтгани, сўнг 2023 йил 20 май куни [REDACTED] пул сўраганида, унга пули йўқлигини айтганида у “тилло беринг ўзингизники бўлса ҳам, мени қайнонам уйдан чиқариб юборди, мен билан эримни яшашга қўймаслигини айтди, янги уйга маиший техникалар олишим керак, ҳозирда янги уйда шароит йўқ, шунинг учун пул зарур” деб айтгани, тиллоларни гаровга қуйиб пул олишини, бўлиб-бўлиб қайтариб беришини айтганлиги, шу вақтда турмуш ўртоғи [REDACTED] билан телефон орқали гаплаштирганлиги, у тилло тақинчоқларни олаётганлигини айтганида, у бераверишини, қисқа фурсатда қайтариб беришини айтганидан кейин [REDACTED] 34.47 грамм тилло тақинчоқларини бериб



юборганлиги, шундан сўнг 2023 йил май ойининг охирида [REDACTED] билан Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига бориб, [REDACTED] а нисбатан ёзилган тайёр аризани олиб чиққанлиги, аризага имзо қўйиб берганидан сўнг Зарина аризани олиб, яна ушбу бинога кириб, қайтиб келиб, “Восит” исмли одамга топшириб чиқдим, сизни ишингиз билан [REDACTED] т шуғулланади” деб айтгани, 2023 йил июнь ойининг бошида [REDACTED] турмуш ўртоғи ўқишга кетганлиги туфайли пул керак бўлаётганлигини айтиб қарз сўрагани, унга ишониб 6 миллион сўм ва 200 АҚШ доллар пулни қарз сифатида бериб юборгани, орадан тахминан бир ойлар вақт ўтиб, [REDACTED] эри ўқишдан келганлиги учун дўстлари ва ҳамкасбларига ўтириш қилиб бериш учун пул керак деб айтиб, [REDACTED] телефон орқали 400 АҚШ доллари бериб туришини сўраганлигини, шундан сўнг унга пулларни бериб юборганлиги, кейин [REDACTED] берган 11 миллион сўм ва 200 АҚШ доллари миқдордаги пулларни олиб, [REDACTED] иш жойига яъни вилоят ИИБ чоррахасидаги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига борганлиги, у ерга борганида Зарина пулни олиб [REDACTED] олдига кириб кетиб, пулни унга бериб чиққанлиги, ўзи ҳам киришини айтганида киргизмасдан, “сиз менга ишонмайсизми опа” деб гаплашмагани, ушбу пуллар олинди деб тилхат ёздириб олишгани, тилхатга ўзи ва [REDACTED] шахс имзо қўйганлиги, 2023 йил 12 июнь куни [REDACTED] яна тилло сўраб келиб, жами 27,23 грамм тиллоларни ҳар бир граммини 630 минг сўмдан ҳисоблаб олганлиги, 2023 йил 8 июль куни [REDACTED] нинг опаси вафот этганлигини, ҳозирги вақтда пулдан қийналиб қолганлигини, шу сабабли маракаларни ўтказишга 800 АҚШ доллари билан 1 миллион сўм қарз бериб туришини сўраганида унга ишониб ушбу пулларни бериб юборганлиги, 2023 йил август ойи охирида [REDACTED] деб қўнғироқ қилиб, у 15 млн.га яқин пулларини олганини ва музлатиб қўйганини, шунингдек қисқа муддатда пулларни қонуний ҳал қилиб қайтариб беришини, [REDACTED] ҳам илтимос қилганини айтганлиги, 2023 йил август ойида уйига 3. [REDACTED] а турмуш ўртоғи [REDACTED], “Заринани тўйга тақшишга бирон-бир тилло тақинчоқ бериб турунг кечкурун ташлаб кетаман” дегани сабабли уларнинг гапларига ишониб ўзига тегишли бўлган 50 граммли релес русумли тилло тақинчоғини [REDACTED] ушбу тилло тақинчоғини қайтариб бермаганлиги, шу билан яна 2023 йил сентябрь ойида 3 [REDACTED] ва келиб тилло тақинчоқ беришини сўраганида унга бермаслигини айтганлиги, шунда у ялиниб-ёлвориб, турмуш ўртоғи [REDACTED] ҳам олиб келганлиги, [REDACTED] ҳам олган барча тиллоларини икки ҳафта ичида қайтаришини айтган гапларига ишониб 47,82 грамм тилло тақинчоқларини ҳар бир граммини 600 минг сўмдан жами 28 млн 692 минг сўмга ҳисоблаб бериб юборгани, шунда Заринага “тилхат беринглар” деганида орадан 2-3 кун ўтиб тилхат ёзиб берганлиги, ҳозирги кунда судланувчиларнинг қариндошлари томонидан унга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги сабабли судланувчиларга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.



Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Т.Абдираимовнинг маърузасини, прокурор [REDACTED] протестни қанотлантириб, суд ҳукмини ўзгартириб, етказилган зарар қопланганлиги сабабли [REDACTED] озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги, адвокатлар [REDACTED] суд ҳукмини ўзгартириб, етказилган моддий зарар қопланганлиги сабабли [REDACTED] ва [REDACTED] озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда ва протестда келтирилган вазҳларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартириб, шикоят ва протестни қаноатлантиришни лозим топди.

Судлов ҳайъати, судланувчи [REDACTED] айби, ўзларининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари жабрланувчи [REDACTED] мажлисида берган кўрсатувлари, биринчи босқич судида сўралган гувоҳ Ш [REDACTED] кўрсатувлари, дастлабки тушунтириш хатлари, судланувчи З [REDACTED] билан жабрланувчи [REDACTED] ўртасида бўлган суҳбатнинг “СД” форматдаги дискни кўздан кечириш ва стенограмма қилиш ҳақидаги 11.12.2023 йилдаги баённомаси ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Биринчи босқич суди иш ҳолатларни тўғри аниқлаб, судланувчи [REDACTED] нисбатан ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан [REDACTED] вга нисбатан ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, адолатли тўхтамга келган бўлса-да бироқ ҳозирги кунда [REDACTED] яқин қариндошлари томонидан 13.420.000 сўм етказилган моддий зарар “Ипотека-банк” АТИБ нинг ҳисоб рақамига тўлиқ тўланганлигини тасдиқловчи тўлов қвитанцияси иш ҳужжатларида мавжудлиги ҳамда суд мажлисида жабрланувчи М [REDACTED] вакили адвокат [REDACTED] иштирокида суд ҳукмида ўзига ундиришлик белгиланган жами зарарлар судланувчиларнинг яқин қариндошлари томонидан қопланганлиги сабабли судланувчи [REDACTED] нисбатан даввоси йўқлиги ҳақида ариза тақдим қилганлиги сабабли ҳозирда судланувчи [REDACTED] нисбатан ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан [REDACTED] нисбатан ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тайинланган жазони адолатли деб бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 4-сонли “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 9-бандида, судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра қуйидаги ҳолларда маҳкумга нисбатан озодликдан



махрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши, ЖК 167, 168, 170, 180, 181, 181¹, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги, Қарорнинг 10-бандида моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин эмаслиги ҳақида Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида кўрсатилган қоида тугалланмаган жиноятга ҳам, башарти зарар билан боғлиқ оқибатлар келиб чиққунга қадар жиноятнинг олди олинган бўлса, татбиқ этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, суд ҳукми эълон қилинганидан сўнг судланувчи [REDACTED] зарарни “Ипотека-банк” АТИБ нинг ҳисоб рақамига тўлиқ тўланганлигини тасдиқловчи тўлов квитанцияси иш ҳужжатларида мавжудлиги ҳамда суд мажлисида жабрланувчи [REDACTED] ва вакили адвокат [REDACTED] суд ҳукмида ўзига ундиришлик белгиланган жами зарарлар судланувчиларнинг яқин қариндошлари томонидан қопланганлиги сабабли судланувчи З [REDACTED] нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида ариза тақдим қилди.

Судлов ҳайъати, юқоридаги қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришидан келиб чиқиб, судланувчи З [REDACTED] айбига иқроор ва пушаймонлигини, яқин қариндошлари томонидан етказилган зарар ўрни тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи [REDACTED] даъвоси йўқлигини, [REDACTED] аёллиги ва вояга етмаган фарзандлари борлигини, [REDACTED] оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб судланувчи [REDACTED] нисбатан ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб модда санкциясида назарда тутилганидан ҳам камроқ, жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда жарима жазоси тайинлашни, судланувчи [REDACTED] ари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида З [REDACTED] ва З [REDACTED] қамокда ўтирган вақтини чегиришни, шикоятни қисман протестни эса тўлиқ қаноатлантиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482-484, 485, 490, 497¹³, 497¹⁸, 497³¹, 497³⁴ -моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг 2024 йил 6 май кунидаги [REDACTED] нисбатан

сарилган ҳукми ўзгартирилсин.



██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида, яъни 16.500.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, ██████████ 2024 йил 6 май кунидан 2024 йил 30 май кунига қадар қамоқда сақланган 24 куни, қамоқнинг бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегирилиб, тўлашлик учун 12.540.000 сўм жарима жазоси қолдирилсин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин

██████████ эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Гаров предмети Сурхондарё вилоят ИИБ ТБ депозит ҳисоб рақамига сақланаётган 7.000.000 сўм маблағи жабрланувчи М.Химматовага қайтарилсин.

Хусанов Зоҳид Холмўминовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, ██████████ 2024 йил 6 май кунидан 2024 йил 30 май кунига қадар қамоқда сақланган 24 куни, қамоқнинг бир кунини ахлоқ тузатиш иши жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегирилиб, ўташлик учун 1 йил 3 ой 18 кун жазоси қолдирилсин.

Тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин ва жазони ўташ муддати ██████████ жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажрим ижроси Термиз шаҳар ИИБ зиммасига юклансин.

██████████ эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

“Ипотека-банк” АТИБ нинг ҳисоб рақамига тўланган 13.420.000 сўмдан 13.417.994 сўми жабрланувчи ██████████ фойдасига, қолган 2006 сўми судланувчи ██████████ қайтарилсин.

Етказилган моддий зарар қоплангани эътироф этилсин.

Протест тўлиқ шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

имзо

И.Абраев

Ҳайъат судьялари:

имзо

Ж.Худойбердиев

имзо

Т.Абдираимов

Аслига тўғри

Т.Абдираимов

